

4-1-2019

## FEATURES OF THE AGRARIAN SECTOR AND INCREASING THE ACTUALITY OF INVESTMENT ACTIVITIES.

D. Tojiboeva

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Tojiboeva, D. (2019) "FEATURES OF THE AGRARIAN SECTOR AND INCREASING THE ACTUALITY OF INVESTMENT ACTIVITIES.," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 27.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **FEATURES OF THE AGRARIAN SECTOR AND INCREASING THE ACTUALITY OF INVESTMENT ACTIVITIES.**

The article substantiates the need to increase the volume and share of investments in the implementation of the target indicators of the development of the agricultural sector under the “Action Strategy for 2017–2021”, also developed proposals to increase innovative investments in the agricultural sector.

**Keywords:** investment, agriculture, land fertility, labor, investment share, investment in fixed assets

The development of the national economy, science and technology, the provision of employment, the creation of new jobs depend primarily on the investments made. Structural changes in the economy are also associated with investment. To achieve a new quality of economic growth in agriculture, innovative investments are needed.

Therefore, the last time in our republic is paid special attention to attracting investment in the economy. This is emphasized by the fact that the year 2019 is called the year of active investment and social development.

In our republic, the volume of investment in the economy increases every year. As a result, the share of investments in the economy is 23-26.9% of GDP. But while the share of investment in fixed assets in agriculture remains very low, although it is this industry that provides the population with vital products, the first need is also the health of the nation and the economic security of the country. In the agricultural sector, 18-19% of gross domestic product is produced.

Therefore, the purpose of this article is to identify the causes of such a low level and the consequences of its proposals for improving investment in agriculture.

The study shows that the recent time increases the publication dedicated to this topic, especially to attract foreign investment. The articles analyze the latest publications on this topic, their summary. It is shown that our economists on this issue are paying little attention so far and the research on investments in agriculture is willing and in terms of quantity and quality is inferior to other sectors and sectors.

The article shows exactly what features require large investments in agriculture. This is, firstly, in the short term in agriculture there is a law of decreasing the fertility (productivity, that is, productivity) of land. Secondly, various techniques are used in agricultural production, many of which, very briefly, a week, even 2-3 days. It also requires additional investment.

The author on the basis of the use of correlation and regression analyzes shows the dependence of yield bonitet by a land ball, total financial costs and ensuring timely watering (following agrotechnical rules with water costs). The results show that the bonitet of a land score and water supply occupy the largest place. In our republic, 70% of the cultivated area is occupied by cotton and grain. Based on the analysis of data on these crops, the author shows that in our republic there is a decrease in return on bonitet-point of the earth. And to increase it, large capital investments are being piped. Investments are also required for watering to ensure timely and adequate volume of water. The low level of investment naturally affects the provision of agriculture with modern equipment and technology, increasing land fertility, etc.

To increase investment in agriculture, a number of factors impede: Firstly, the agrarian sector differs from other sectors with great risks, since The industry is closely related to natural and climatic conditions. Also, we should not forget that the “Samuelson paradox” operates in agriculture, according to which high yields in the country lead to a decrease in prices, since The demand for agricultural products by price and income is inelastic. As a result, manufacturers receive instead of calculated high income much less income or loss.

Here, the coefficient of elasticity of supply at prices and incomes is less than one, because the supply of land is completely inelastic, also the amount of time for the production of agricultural products and the market period, which are associated with natural-biological factors, play a big role.

Secondly, the instability of the price situation in the agrarian sector adversely affects the attractiveness of the industry. The main condition for attractiveness is, as you know, a guarantee of good returns. And in agriculture, to guarantee the expected return is very difficult ..

Thirdly, the level of profitability is largely achieved due to the low wages in the industry. It is well known that there is a close relationship between investment and the level of productivity and wages. If there is a lot of labor in the industry or in some space and it is poorly paid, then it is unprofitable to invest money here from a macroeconomic position. It is more profitable to get the same result due to the use of cheap labor, and the means to use in those industries where the return is higher. The result is a competitive struggle for investment between industries. In this aspect, agriculture was in a disadvantageous situation, since The level of wages in agriculture is 40–50% of the level of wages in industry. Here, seasonality is even more important.

The fact that the number of people employed in agriculture currently exceeds 3 million people has a great influence on the level of wages. The last decade, the share of people employed in agriculture in total employment has consistently made up more than a quarter to 27% of the total number. At the same time, the share of the agrarian sector in GDP is gradually decreasing.

The data in the table shows that in 2010-2017 in our republic, investments in fixed assets increased and their share is 24.1-26.9% of GDP and ensures its growth of 7-8% per annum. At the same time, the share of investment in agriculture is only 4.5-6.3% of the gross product of the agricultural sector. Although in this industry, 15.8-20.8 soums of value added were received for one sum invested in fixed capital. And in all industries, an average of 3.2-3.86 soums, that is, 5 times less than in the agricultural sector.

At the same time, the share of investments in fixed assets of the state budget is decreasing. In order to fulfill the goal set for agriculture, an increase in the investment in agriculture is required.

The implementation of the proposed proposals serves the realization of the goals set out in the “Action Strategy for 2017-2021” and other decrees and resolutions adopted by the President 2017-2018. providing for the development of agriculture in our republic. *(Full article is available in Uzbek)*

**Тожибоева Д. Тошкентмолияинститути  
«Касбийтаълим» кафедраси проф., и.ф.н.**

## **АГРАР СОҶА ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ДОЛЗАРБЛАШУВИ**

Мақолада аграр соҳани ривожлантириш ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган мақсадни амалга ошириш учун қўйилган вазифаларни бажаришда инвестицияларнинг миқдори ва улушини оширишнинг нақадар зарурлиги асосланган ва таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** инвестиция, қишлоқ хўжалиги, ернинг унумдорлиги, иш кучи, инвестициянинг улуши, асосий капиталга инвестиция.

### **ОСОБЕННОСТИ АГРАРНОГО СЕКТОРА И ПОВЫШЕНИЕ АКТУАЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

В статье обоснована необходимость увеличения объема и доли инвестиционных вложений в реализацию целевых показателей развития аграрного сектора по «Стратегии действия на 2017–2021 годы», а также выработаны предложения по увеличению инновационных инвестиций в аграрный сектор.

**Ключевые слова:** инвестиция, сельское хозяйство, плодородие земли, рабочая сила, доля инвестиций, инвестиция в основной капитал.

### **ОСОБЕННОСТИ АГРАРНОГО СЕКТОРА И ПОВЫШЕНИЕ АКТУАЛЬНОСТИ АКТИВНЫХ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.**

В статье обоснованы необходимость повышений объемов и долей инвестиций для развития аграрного сектора, а так же реализации целей, задач и требований стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

**Ключевые слова:** инвестиция, сельское хозяйство, плодородие земли, рабочая сила, доля инвестиции, инвестиция в основной капитал.

### **КИРИШ**

Миллий иқтисодиётнинг ривожини, фан-техника тараққиётини, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш айнан, инвестициялар билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ҳам инвестицияларга бориб тақалади. Мультипликация жараёни инвестициялар, уларнинг эгалари ким бўлишидан қатъий назар ресурсларни ҳаракатга солиб, ишлаб чиқариш фаоллигини ортиради.

Илгарига қараганда кўпроқ маҳсулот яратилади ва даромадолинади, иқтисодий ўсиш таъминланади.

Иқтисодиётдаги, жумладан, кишлоқ хўжалигидаги умумий ҳолатни кўп жиҳатдан йўналтирилган инвестициялар ва уларнинг нақадар самарадорлиги га қарабаниқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам инвестицияларга инвестицион муҳит яратилиши гана фақат ҳар бир мамлакат, балки халқаро миқёсда (БМТ Бош Ассамблеясининг савдо тараққиёт конференцияси (UNCTAD) орқали) ҳамалоҳида диққат-эътибор берилди: бугунги кунда барқарор ўсиш таъминлаш учун инвестициялар нийўналтиришга глобал миқёсда ижобий сиёсий иқлим яратиш зарурияти ҳар қачонгидан кўра кучаймоқда<sup>1</sup>. Лекин охириги йилларда иқтисодиётга кўйилаётган инвестициялар, айниқсат ўғридан-тўғри инвестициялар камайиб бормоқда. Уларнинг ҳажми 2017-2018 йиллари ривожланган мамлакатларда 40 % гача тушиб кетди.<sup>2</sup>

Инвестициялар айниқса, аграр соҳа учун муҳим. Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишнинг сифат даражасини таъминлаш учун кенг миқёсда техника, технология, ўсимликларни ҳимоя қилиш, экология, ахборот, малака, инфраструктура ва бошқаларни қамраб олган фронтал миқёсдаги **инновацион инвестицияларни** амалга ошириш зарур. Ундан ташқари, “**Яшил иқтисодиёт**” яъни, иқтисодиётни комплекс: иқтисодий-ижтимоий-экологик жиҳатдан мутаносиб ривожланишини таъминлаш ҳаминновацион инвестицияларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам республика мида бу масалага эътибор янада кучайтирилди. 2019 йилни “**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Республика мида йилдан-йилга ишлаб чиқаришга кўйилаётган инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда. Лекин аҳолининг юнг мурим эҳтиёжи, саломатлигини, давлатнинг иқтисодий ҳавфсизлигини жумладан, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири, эра мида 430-355 йил аввал Ксенофонт деҳқончилик барча касбларнинг онаси ва боқувчиси дидир, деб улуғлаган, «**Шумаънода, деҳқонбу – ҳаётнинг бақувватустуни, тирикликнинг мустаҳкам таянчи**, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди», [2] - деб президентимиз таъкидлаган, мамлакатимизда ЯИМнинг 18-19 фоизини ишлаб чиқараётган тармоқ-кишлоқ хўжалиги инвестицияларнинг пастлиги билан ажралиб турибди. Мазкур мақолада унинг сабабларини кўрсатилиб, соҳага инвестиция ҳажмини ошириш бўйича тавасиялари ишлаб чиқаришга диққат қаратилган.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.**

Тадқиқотимиз кўрсатадики, инвестицияларга бағишланган тадқиқотлар кўп ва кенг қамровли. Уларнинг барчасини бир мақола доирасида чуқур таҳлил қилиш имкони йўқ. Республика мида тадқиқотчилар кўпроқ хорижий

<sup>1</sup> Доклад о мировых инвестициях 2017. Инвестиции и цифровая экономика. Основные тенденции и общий обзор. UNCTAD/WIR/2017 (Overview)

<sup>2</sup> <https://www.vestifinance.ru/articles/113501>

инвестицияларни жалб этишга устун даражада диққат қаратишмоқда. Улардан охирги йилларда чоп этилган С. Обидовнинг “Мамлакатимиз реал сектор корхоналарига инвестициялар жалб қилиш ҳолати ва уларни баҳолаш усуллари”, О.Т. Астанакулов, Х.С. Асатуллаев, С.У. Халиковларнинг “Анализ и оценка эффективности инвестиционных проектов”, З. Д. Сайдахмедова, Д. Х. Ахмедоваларнинг “Глобаллашув шароитида инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг роли”, М. Алимарданов, А. Хайдаров, А. Бозоров, Н. Шариповаларнинг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишда солиқларнинг роли”, У. А. Турсуновнинг “Ўзбекистонда жамғармалар ва инвестициялар ҳолатини макроиқтисодий жиҳатдан статистик баҳолаш” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Уларда мамлакатимиз минтақаларига инвестициялар жалб этилиш ҳолати таҳлил қилиниб, уни баҳолаш йўналишлари кўрсатиб берилган.

Республикада амалга оширилаётган инвестицион сиёсат йўналишлари ва инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Хорижий инвесторларга давлат томонидан бир қатор имтиёз ва преференциялар берилиши, шунингдек, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг солиқ юқини камайтириш, корхоналарнинг инвестиция фаолияти ва бизнесни ривожлантириш масалалари ўрганилган [3-6]. Охирги мақолада жамғармалар ва инвестициялар ҳолати ва уларнинг яқин йилларда иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги таҳлил қилинган [8]. Лекин аграр соҳада инвестиция масалаларини ўрганишга қаратилган изланишлар жуда кам. Шулардан бири Д. Ҳусановнинг “Аграр соҳада инвестиция фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари” мақоласида қишлоқ хўжалигида инвестиция жараёнининг бозор тамойилларига ва ислохотларга монандлигини таъминлаш назарий жиҳатдан ўрганилган [9].

Муаллифнинг 2012 йилда чоп этилган “Кўп укладлилиқ шароитида аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари” номли монографиясида асосий капиталга инвестицияларда қишлоқ хўжалиги улушининг пастлиги ва унинг оқибатлари кўрсатиб берилган [7]. Тадқиқотлар кўрсатадики, кейинги йилларда ҳам бу тенденция давом этмоқда.





**1-расм. ЯИМ ва асосий капиталга инвестицияда қишлоқхўжалигининг улуши, %да [11-13].**

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида мамлакатни ривожланишини таъминлаш учун ЯИМнинг 25-30%и миқдорда инвестиция сарфлаш зарурлиги аллақачон исботланган. Лекин тадқиқотимиз мамлақати-мизда қишлоқ хўжалигига киритилаётган инвестициялар миқдорининг паст-лиги ва улуши камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалиги ўзининг хусусиятларига кўра бошқа тармоқларга қараганда ҳам кўпроқ инвестициялар киритилишини талаб қилади.

*1-жадвал*

### Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби (фоизда) [11-13]

	Йиллар							
	1990	1995	2000	2005	2010	2014	2015	2017
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Ишлабчиқариш учун мўлжалланган	58,3	68,1	57,5	57,5	74,7	72,2	73,2	
Саноат	16,8	45,1	29,7	32,6	30,4	37,4	40,9	44,7
Қишлоқхўжалиги	26,7	8,4	5,7	8,2	3,5	4,1	3,3	3,3
Қурилиш		0,5	0,5	0,3	2,5	2,3	4,4	4,1
Транспорт ваалоқа	5,4	7,5	16,7	13,0	29,1	14,1	11,2	13,4
Савдова умумовқатланиш		5,7	4,3	3,1	4,8	5,8	5,8	
Бошқасоҳалар	9,4	0,9	0,6	0,3	4,4	8,5	7,6	5,4
Ноишлабчиқариш учун мўлжалланган	41,7	31,9	42,5	42,5	25,3	27,8	26,8	
Жумладан турар жой қурили								17,9

шигаинвестициялар								
-------------------	--	--	--	--	--	--	--	--

Чунки, биринчидан, қисқа муддатли даврда унумдорликнинг пасайиш қонуни амал қилади. Иккинчидан, турли-туман техника талаб этилади ва уларни ишлатиш мавсумий характерга эга (айримларини ҳафта, ҳатто 2-3 кун ишлатилади). Булардан ташқари, бошқа қатор ўзига хос хусусиятларни кўрсатиш мумкин.

Республикаميزдаумумий экин майдонининг 70%ини пахта ва буғдой ташкил этади. Корреляцион методни қўллаб олиб борган тадқиқотимиз ернинг бонитет бали эвазига олинадиган пахта ва буғдой ҳосили миқдори камайиб бораётганини кўрсатмоқда.

$$Y = 0,3377X_1 + 0,0025X_2 + 0,2154X_3 + 1,6622;$$

Бу ерда:  $y$  – ҳосилдорлик, ц/га;

Ҳосилдорликка таъсир этувчи омиллар:

$x_1$  – тупрокнинг ўртача балл бонитети;

$x_2$  – бир га. ерга сарфланган ўртача умумий харажатлар, га/сўм;

$x_3$  – сув билан таъминланиш, га/минг метр куб;

Тупрокнинг ўртача бонитет балини бир баллга ортиши ҳосилдорликни 0,3377 центнерга ортишига олиб келади. Харажатларни 100 минг сўмга ортиши ҳосилдорликни 0,25 центнерга оширишга олиб келади.

2018 йили кейинги 2015-2017 йил натижаларини ҳам қўшиб, пахта ҳосилдорлигига ернинг бонитет балининг таъсирини ўрганиш натижасида бу боғланиш куйидагича ўзгарди:

$$y_i = 0,2971x_{i1} + 9,8469$$

Натижада кейинги уч йил ичида бонитет балл эвазига олинадиган пахта ҳосили гектарига 0,0406 ц/га камайган. Буғдой ва бошқа экинлар бўйича ҳам шунга яқин. Агар 2008 йилда бир бонитет бали эвазига 0,4 ц/га пахта, 0.6 ц/га буғдой олиш мумкинлигини ҳисобга олсак, тармоққа ернинг унумдорлигини ошириш учун инвестиция жалб этиш заруриятининг долзарблиги янада ортади.

Ернинг унумдорлигини, агротехник ҳолатини аввалги даражада ушлаб туриш учун олдингидан кўпроқ капитал, бу соҳадаги инновацияларни жорий қилиш қўшимча капитал сарфини талаб қилади. Ернинг бонитет балини кўтариш учун эса катта капитал маблағлар, илмий тадқиқотлар олиб бориш талаб қилинади. Натижада фермер хўжаликларининг ернинг ҳосилдорлигини кўтариш учун маблағ етишмаганлиги туфайли ерга сарфланган харажатлари ернинг олдинги даражада бонитет балини сақлаб туришга ҳам зўрға этади ёки етмайди.

Жадвал маълумотлари кўрсатиб турибдики, қишлоқ хўжалигида асосий капиталга инвестициялар 1990 йили энг юқори 26,7 фоиз даражасида бўлган. Сўнгра эса пасайиш тенденцияси юз бериб, охириги йилларда 3,5-5,2%ни ташкил қилмоқда. Табиий, бу аграр соҳани замонавий техника, технология ва бошқалар билан таъминлашга катта таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни йўналтиришга қатор омиллар тўсқинлик қилади: Биринчидан, у бошқа тармоқларга қараганда рискнинг



юқорилиги билан ажралиб туради. Соҳа маҳсулотларига талаб ҳам таклиф ҳам ноэластик. Ҳосил нафақат паст бўлса, балки юқори бўлса ҳам Самуэльсон парадокси амал қилиб, нархларнинг пасайиши эвазига даромадларни тушиб кетишига олиб келади.

Иккинчидан, аграр соҳада нархларнинг беқарорлиги ҳам инвесторларни чўчитади. Уларнинг қизиқишларини кучайтирадиган нарса бу сарфнинг қайти-мининг юқори бўлиши. Қишлоқ хўжалигида бундай кафолат бериш жуда қийин.

Учинчидан, тармоқда рентабеллик даражаси кўп жиҳатдан иш ҳақининг пастлиги эвазига эришилиши сир эмас. Ҳаммага маълум, инвестициялар билан меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи чамбарчас боғланган. Агар тармоқда ёки худудда иш кучи кўп бўлса ва иш ҳақи даражаси паст бўлса, у ҳолда макроиқтисодий миқёсдан қаралса, инвестиция қўйиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади. Шу натижага арзон иш кучига камроқ сарфлаб эришиш мумкин. Маблағлар эса қайтими юқори ёки уларсиз фаолият юритиш имкони йўқ соҳаларга йўналтирилади. Натижада инвестиция учун тармоқлар ўртасида рақобат келиб чиқади. Бунда қишлоқ хўжалиги ютқзади. Чунки тармоқда ишчи кучи кўп, бу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ноқулай вазиятда, чунки, бу соҳадаги иш ҳақи бошқа тармоқларга қараганда паст, республикамиздаги ўртача иш ҳақининг деярли ярми айрим ҳолларда ундан ҳам кам фоизини ташкил қилади. Айниқса, ишнинг мавсумийлиги ҳамда қишлоқ хўжалигида ҳозирда 3,6 млн.дан ортиқ кишининг бандлиги ҳам катта рол ўйнайди. Кейинги 10 йилда аграр секторда банд бўлганларнинг миқдори иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизидан ортиғини ташкил қилмоқда, тармоқнинг ЯИМдаги улуши эса қисқариб бормоқда. Бу бир томондан, қишлоқ хўжалигида бошқа тармоқларга нисбатан меҳнат унумдорлигини паст бўлишига, меҳнат ресурсларидан унумсиз фойдаланишга олиб келса, иккинчи томондан, бандликни таъминлаш вазиятини мушкуллаштиради. У эса катта миқдордаги инвестицияларни талаб қилади. Ундан ташқари, аграр соҳа олдига қўйилаётган вазифаларни амалга ошириш учун ҳам хўжаликлар маблағ, давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож. Асосий капиталнинг фаол қисми бўлган техниканинг фақат мавсумий ишлатилиши ва унга бўлган эҳтиёж миқдори ҳам инвестицияларни талаб қилади. Давлат буни ҳам ҳисобга олиши зарур.

Катта миқдордаги инвестицияларсиз эса қишлоқ хўжалигини модернизация қилиб бўлмайди. Бундай вазият инвестицион имкониятларни қайта кўриб чиқиш ва уни жалб этиш механизмини яратишни талаб қилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида асосий капиталга қўйилган инвестициялар миқдори ЯИМ га мутаносиб равишда ўсиб бориб, 2010-2017 йилларда 24,1-26,9 %ни ташкил этган (2-жадвал маълумотлари)

Қишлоқ хўжалигида эса асосий капиталга инвестицияларнинг улуши тармоқ ялпи маҳсулотига нисбатан атиги 4,5-6,3 %. Ваҳоланки, республикамизда асосий капиталга сарфланган бир сўмлик инвестиция эвазига барча тармоқларда яратилган қўшилган қиймат 3,2-3,86 сўмни ташкил этгани ҳолда қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич 15,8-20,8 сўм. Барча тармоқларда қўшилган

қиймат қайтими камайиб боргани ҳолда қишлоқ хўжалигида ортиб бораяпти. Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигига асосий капиталга инвестиция сарфи эса пасайиб бормоқда.

Аграр соҳада модернизация ва диверсификацияни амалга ошириш, келгусида фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжаликка айлантириш учун

**Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестицияларнинг тармоқ ЯМдаги улуши[11-13]**

	ЙИЛЛАР						2017 йил 2013 йил- га нисба- тан, %
	2010	2013	2014	2015	2016	2017	
Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм	15338,7	28694,6	35233,3	41670,5	48083,1	68423,9	238,5
Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	62388,3	120861,5	145846,4	156731,0	199993,4	254043,1	322,5
Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотда-ги улуши %да	24,6	23,7	24,1	26,5	24,0	26,9	
Қишлоқ хўжалигига инвестициялар, млрд. сўм	530,6	1334,0	1447,9	1375,4	1646,4	2379,3	252,6
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд. сўм	16774,7	21068,0	27564,9	28681,7	36198,8	50046,5	357,0
Қишлоқ хўжалигига инвестицияларнинг ялпи маҳсулотдаги улуши, %	4,7	6,3	5,2	4,8	4,5	4,7	
Республика бюджетидан ажратилган маб-лағларнинг жами сарфланган инвестиция-даги улуши, %да.	32,9	33,5	37,0	42,5	34,4	23,2	
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати, млрд. сўм.	57797,7	110950,9	133366,2	156731,0	177561,9	219290,7	197,6
1 сўмлик инвестиция ҳисобига яратилган қўшилган қиймат, сўм	3,77	3,86	3,78	3,76	3,69	3,2	82,9
Қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати, млрд. сўм.	14018,2	21060,8	25193,8	28672,2	32276,8	43149,8	204,9
Қишлоқ хўжалигида 1 сўмлик инвестиция ҳисобига яратилган қўшилган қиймат, сўм	26,4	15,8	17,4	20,8	19,6	18,1	114,5

табiiй кўшимча инвестициялар талаб қилинади. Чунки, маҳсулотни қайта ишлаш янги инфраструктурани барпо қилиш, эскиларини таъмирлаш ва энергия, сув таъминоти, оқава, чиқинди масаласини ҳал қилишни, экологияга путур етказмаслик чораларини кўришни талаб қилади.

Қишлоқхўжалигида аврал асосийкапиталгаўналтирилганинвестициялармолиялаштиришманбаининг32,9-42,5 %инидавлат бюджети маблағлариташкилэтганбўлса, 2017 йилгакелиб 23,2 фоизгатушибқолди.

Қишлоқхўжалигидаасосийкапиталгаинвестицияларнингжамиинвестициядаги улуши 2010 йилданбошлабатиғи 3,3-4,1% ниташкилқилишиниҳисобгаоладиганбўлсак,

бусоҳанингулушиганисбатананчакичикмиқдорэканлигикўринибтуруибди.

Шунингучун қишлоқда инвестиция масаласини ҳал этишда диверсификацияни амалга ошириш, агро-саноат-молия гуруҳларининг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Унинг ташкилий-иқтисодий шакли жаҳонда қўлланилаётган замонавий барқарор кооперацион алоқаларга хос тузилма кластерлар бўлиб, у хомашё ишлаб чиқаришдан бошлаб, тайёр пировард маҳсулотни истеъмолчига етиб боришигача бўлган занжирни ифодалайди.

Кластернинг афзаллиги шундаки, у ихтисослашувнинг устунлиги билан универсаллик: интеграция, кооперациянинг, таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг бирлиги устунлигини ўзида мужассамлаштиради ва бунинг эвазигв инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва қўллаш устуворлигига эга бўлади. Кластерлаштиришда инвестицион фаоллик, инновацион фаолиятни тезлаштириш асосида рақобатбардошликни ошириш назарда тутилади. Энг муҳими илмий-тадқиқот, таълим марказлари, илмий ишлаб чиқариш бир бутун бўлиб бирлашади.

Кластер кўпроқ давлатнинг саноат сиёсатини ифодаласада, бизнинг республикамизда аграр соҳада долзарб муаммо пахта хом ашёси етиштиришдаги қатор муаммоларни ечишга ёрдам бериши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз доимо таъкидлаб келадиган хомашёни тайёр маҳсулот даражасига етказишимиз ўн мартадан кўпроқ моддий бойлигимизни кўпайтириши мумкинлиги, бу айниқса янги иш ўринлари яратилишига олиб келишига алоҳида аҳамият бериши туфайли уни синаб кўриш учун 2017 йил 19 майда “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978 сонли қарори қабул қилинди. Ўз моҳиятига кўра миллий иқтисодиётимиз учун янги бўлган, саноатнинг илғор тури кластер схемасини яратиш ва жорий этиш асосида “пахта хом ашёсини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот” шаклидаги ёпик занжирдан иборат, юз фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектини ташкил этиш кўзда тутилган [10].

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, кластер бир томондан инвестицион муҳитни яхшилаб, бу борадаги муаммоларни бартараф қилишда муҳим рол ўйнаса, иккинчи томондан, давлатнинг қўллаб-қувватлашига таянади.

Капиталқуйилмаларни ўсишини инвестициялашда уларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш мунозаралигича қолмоқда. Микромиқёсда инвестицияларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш унча қийин эмас.

Чунки, хар бир хўжалик юритувчи қўйган мақсадидан келиб чиқиб келажакда унинг малга ошириши учун нималар талаб қилинади, қанча маблағ керак бўлади, бумаблағ қандай манбалар эвазига шаклланади, тезда ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Лекин макромиқёсда бумуракка бўлган жараён.

Мезо ва макромиқёсда бумиқдор доимотяхминан ҳисобланадн. Чунки у жуда қўпо милларга боғлиқ.

Қишлоқда, айниқса, барқарор равишда энергия, газ, сув ҳамда оқова таъминоти, транспорт, коммуникация ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Булар аҳолининг ҳаёт кечириши учун ҳам, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, бизнесни ривожланиши учун ҳам бирдай зарур. Ундан ташқари айниқса, қишлоқда ишлаб чиқариш ва маиший чиқитларни нима қилиш керак? деган муаммо долзарб бўлади. Бундай мақсадларни амалга ошириш учун мувофиқ равишда инфратузилма ва унинг таркибини тубдан такомиллаштириш зарур.

Мамлакатимизда туризмнинг ривожланиши ҳам қишлоқ хўжалиги олдига янги-янги вазифалар қўяди. Буларнинг барчаси катта маблағлар ва турлилойдир ҳалларни амалга оширишни талаб қилади.

Энг муҳими, муваффақиятли фаолият юритиш учун билим, салоҳият, тажриба керак. Шунинг учун асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан ҳам шуғулланишни танлар экан, фермер имкониятларини ниҳоятда синчковлик билан тарозига солиб, таҳлил қилишни талаб қилади. Бунинг учун билим, малака, маҳорат талаб қилади. У ўз навбатида инсон капиталига инвестицияни талаб қилади.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

1. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун мамлакатимизда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, аграр соҳага инвестициялар миқдорини кескин ошириш, ҳеч бўлмаганда бюджетдан сарфланадиган улушни тармоқлар ўртача даражасига етказиш зарур;

2. Қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси асосида қандай ўзгаришлар юз бераётганини, барча ёрдам ва имтиёзлар (жумладан, ирригация-мелиорация ишларини бажаришга мўлжалланган махсус фондлардан ажратилган маблағларни ҳам қўшиб) умумий равишда яратилган маҳсулотга нисбатан қандай улушни ташкил қилиши ва у ривожланган давлатлар даражасига нисбатан қандай ўрин тутишини аниқлаган ҳолда келгусида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш керак.

3. Қишлоқ хўжалигининг табиат билан чамбарчас боғлиқлиги, иқтисодий қонунларни табиат қонунлари билан чирмашиб кетишини ҳисобга олган ҳолда президентимиз томонидан аграр соҳага тегишли 2017-2018 йиллар қабул қилинган қатор қарорларнинг дастлабки натижаларини

Ўрганиш асосида соҳани қўллаб қувватлаш зарур. Бунда айниқса, инновацион инвестициялар:

а) инфраструктурани ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга мўлжалланган лойиҳаларни;

б) органик ва минерал ўғитларнинг илмий асосланган ўртача меъёрларини (азот, калий, фосфор ўртасида) сақлашга қаратилган лойиҳаларни;

в) долзарб илмий тадқиқотларни;

г) экологик муҳитни яхшилашга;

д) кластер тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш зарур.

4. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлиги ва бошчилигида ташкил этилган фондлар маблағлари ва бошқалар ҳисобидан аграр соҳа учун кадрлар тайёрлаётган олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари олимлари раҳбарлигида талабалар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, йиғиш, сақлаш, ташиш жараёнида сифатни йўқотмаслик, сув ресурсларини тежовчи технология ва суғоришнинг ресурс тежовчи янги методларини ишлаб чиқиш, аграр секторнинг бошқа долзарб масалаларига қаратилган илмий изланишлар учун тендер асосида махсус грантлар ажратиш.

Бу чора-тадбирлар “Ҳаракатлар дастури” ва президентимиз томонидан 2017-2018 йилларда қабул қилинган фармон ва қарорларда қишлоқ хўжалиги таракқиётини таъминлаш учун кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февраль ПФ-4947–сонли Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган таналимаро симдагинутқи, 2017 йил 9 декабрь.

3. Алимарданов М., Хайдаров А., Бозоров А., Шарипова Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишда солиқларнинг роли. *“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил.*

4. Астанакулов О.Т., Асатуллаев Х.С., Халиков С.У. Анализ и оценка эффективности инвестиционных проектов. *“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz);*

5. Обидов С. Мамлакатимиз реал сектор корхоналарига инвестициялар жалб қилиш ҳолативауларни баҳолаш усуллари.



- “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил № 3, 2017 [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz);
6. Сайдахмедова З. Д., Ахмедова Д.Х. Глобаллашув шароитида инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг роли. *“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил.*
7. Тожибоева Д. Кўп укладлилиқ шароитида аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари. Т.: “Fan va texnologiya”. 2012.
8. Турсунов У. А. Ўзбекистонда жамғармалар ва инвестициялар ҳолатини макроиқтисодий жиҳатдан статистик баҳолаш. *“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил*
9. Ҳусанов Д. Аграр соҳада инвестиция фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари. /Бизнес эксперт. 2017, №9, 46-51 бетлар.
10. Раҳматов М. А., Зарипов Б. З. Кластер – интеграция, инновация, ва иқтисодий ўсиш. -Т.: “Zamin Nashr”, 2018.
11. Альманах Узбекистан 2013. Центр экономических исследований. Ташкент 2013.
12. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. Тошкент, 2015.
13. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. Тошкент, 2018.
14. Доклад о мировых инвестициях 2017. Инвестиции и цифровая экономика. Основные тенденции и общий обзор. UNCTAD/WIR/2017 (Overview)
15. <https://www.vestifinance.ru/articles/113501>

